

Аҳоли табиий кўпайиши ва ундаги худудий тафовутлар¹

Қодиров Раҳимжон Болтабоевич

Аҳоли динамикасида табиий ўсиш муҳим аҳамият касб этади. Табиий кўпайиш асосида давлатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳолати, хусусан, озиқ-овқат, болалар нисбати, кийим-кечак, уй-жой, ишчи ўринлари, коммунал-хўжалик ва бошқа шарт-шароитлар аниқланади, шунинг асосида келажак режалари ишлаб чиқилади. Одатда, табиий кўпайиш даражасининг юқори бўлиши аҳоли сонини тез кўпайишига олиб келади. Бундай ҳолат ўз-ўзидан туғилиш ва ўлим кўрсаткичларига, аҳолининг жинсий, ёш, миллий ва худудий таркибига, ижтимоий, иктиносидий ҳамда географик омиллар ва экологик вазиятга боғлиқ.

Аҳолининг табиий ўсиши – аҳоли ўртасида муайян давр ичida содир бўлган туғилиш ва ўлим ҳодисалари ўртасидаги фарқ.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аҳолининг табиий кўпайишида муҳим ўзгаришлар юз берди. Бу мамлакат мустақиллигининг дастлабки 27 йиллик демографик нисбатида ёрқинроқ намоён бўлади. Масалан, 1991 йилда республика худудларида табиий кўпайиш ҳар минг кишига 28,3 промиллени ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 17,9 промиллега тенг бўлди². Туғилиш коэффициенти эса 34,5 промилледан 22,8 промиллегача қисқарди³. Туғилиш даражасининг пасайиши нафақат шаҳар аҳолиси, балки кишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам кузатилди⁴.

Албатта, бозор иктиносидиётига ўтиш шароитида юзага келган ижтимоий-иктисодий муаммолар аҳолининг ёш, жинс ва миллий таркиби, туғилиш коэффициентида ҳам ўз ифодасини топган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оиласаларда туғилган фарзандлар сони катта авлоддан ёш авлодга ўтиб борган сари аста-секин камайиб борган⁵. Мавжуд экологик муаммолар таъсирида

¹ Қодиров Раҳимжон Болтабоевич, Андикон давлат университети доценти

² Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. – Тошкент, 2017. – Б. 42.

³ Уша манба. – Б.42.

⁴ Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. –Тошкент: Университет, 1997. –Б.132.

⁵ Уша жойда. –Б.141.

бир ёшгача болалар ўлими ва аёлларнинг бандлик даражаси ҳам туғилиш кўрсаткичига таъсир этиб келган.

Табиий кўпайишнинг пасайиш ҳолатлари республика минтақалари бўйлаб ўрганилганда ўзига хос тарзда юзага келган. Масалан, доимо республика аҳолисининг ўсишида етакчи бўлиб келган Жанубий минтақа (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари)да кўрсаткичларнинг энг юқори даражаси кузатилади. Масалан, 2016 йилда республикада энг юқори кўрсаткичлар – 21,4 промилле Сурхондарё вилоятида, 21,3 промилле эса Қашқадарё вилоятида қайд этилди. Натижада мазкур минтақада табиий кўпайиш республиканинг бошқа худудларидан юқорилиги билан ажralиб туришда давом этмоқда. Табиий кўпайишнинг сезиларли даражада камайиши Жиззах (2016 йилда 20,3 промилле) ва Самарқанд (19,9 промилле) вилоятларида намоён бўлган. Табиий кўпайиш кўрсаткичи паст бўлган Тошкент шаҳрида унинг камайиши ҳолати янада яққол кузатилади.

Аҳолининг демографик ҳолатидаги худудий фарқлар республика минтақаларида ўзига хос тус олган. Мамлакат пойтахти ва Тошкент вилоятини ўз ичига олган Тошкент минтақаси аҳоли салоҳияти бўйича Фарғона, Зарафшондан кейин учинчи ўринни банд этади. Ушбу минтақада республика аҳолисининг 16,4 фоизи истиқомат қиласади⁶.

Табиий кўпайишнинг ўртача даражаси бўйича Тошкент минтақаси республикада энг паст кўринишга эга. Албатта, бу ҳолатга туғилиш ва ўлим, урбанизация даражаси ва аҳолининг ёш таркиби, айниқса, бандлик, маълумотлилик даражаси каби омиллар катта таъсир кўрсатади. Республика миқёсида ўлим коэффициентининг энг юқори даражаси, яъни 6,9 промилле Тошкент минтақасига тўғри келган⁷. Туғилиш (18,2 промилле) эса энг паст кўрсаткичга эга бўлган⁸.

Мазкур минтақада 3805,2 минг киши шаҳар аҳоли пунктларида истиқомат қиласади. Натижада шаҳар аҳолиси салмоғи юқори (72,4 фоиз) ва

⁶ Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2017. – Б. 17.

⁷ Ўша манба. – Б.22.

⁸ Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. – Тошкент, 2017. – 116, - 138.

шаҳар аҳолиси сонига кўра республикада энг олдинги ўринда туради. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида республика шаҳар аҳолисининг 15,0 фоизи жамланган. Тошкент вилоятида худуд аҳолисининг 48,8 фоизи шаҳар аҳолисидан иборат бўлиб, мамлакат ўртacha кўрсаткичидан бироз пастроқ кўрсаткичга эга⁹.

Ушбу минтақанинг бошқа минтақалардан фарқли томони маҳаллий миллат вакилларидан ташқари бошқа миллат вакилларининг салмоғи нисбатан устунлиги ҳисобланади. Уларнинг фарзанд қўришга мойиллигини нисбатан сустлиги ва ташқи миграциянинг таъсири сабабли ҳамда катта ёшдагиларнинг аҳоли сонида кўпчиликни ташкил этиши ҳам минтақанинг туғилиш даражасига ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, русларнинг 46,7 фоизи, украинларнинг 44,1 фоизи, белорусларнинг 36,1 фоизи Тошкент шаҳрида истиқомат қилган, ваҳоланки руслар республика бўйича шаҳар аҳолисининг 22,3 фоизини ташкил этган.

Туғилиш коэффициенти Тошкент шаҳрида 18,2 промиллега, Тошкент вилоятида эса 20,3 промиллега тенг бўлган. Табиий ўсиш коэффициенти Тошкент шаҳрида 11,3 промиллега, Тошкент вилоятида эса 14,5 промиллега тенг бўлиб, республика бўйича туғилиш ва табиий кўпайишнинг энг паст кўрсаткичи сифатида қайд этилади. Ҳар иккала ҳудудда ҳам ўлимнинг 1991-2016 йиллар мисолида ўртacha даражаси бўйича энг юқори кўрсаткич кузатилади. Биргина 2016 йилда Тошкент шаҳрида ўлим коэффициенти 6,9 промилле, Тошкент вилоятида 5,8 промиллега тенг бўлди. Бунга аҳоли таркибида ёшлар улушининг камлиги, аксинча, катта ёшдагиларнинг ҳиссаси юқорилиги сабабdir. Шунингдек, ташқи миграция, юқори урбанизация даражаси, аҳолининг миллий таркиби, индустрисал тараққиёт, экологик ҳолатлар ўз таъсирини кўрсатган.

Шу тариқа Тошкент шаҳрида 1991-2016 йиллар давомида ўсиш суръатининг пасайиб бориши Тошкент минтақасининг ўсиш суръатига ҳам таъсир этган. Ушбу йилларда минтақа аҳолининг ўсиши кўпроқ Тошкент

⁹Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2017. – Б.18.

вилояти ҳисобига таъминланган, лекин 1995 йилга келиб аҳолининг ўсиш суръатини пасайишида Тошкент вилояти Тошкент шаҳри аҳолисини қоплай олмаган ва 99,5 фоизга тушиб кетган¹⁰. Албатта, шаҳар турмуш тарзининг кенг ёйилиши, уй-жой ва бошқа иқтисодий муаммолар ҳам туғилиш даражасининг камайишига олиб келган¹¹.

Фарғона водийси республика бўйича аҳолиси энг кўп ва зич жойлашган худуд ҳисобланади. Бу ерда 9179,7 минг киши истиқомат қиласиди (01.01. 2017) Минтақада республика аҳолисининг 28,6 фоизи яшаган. Шундан 9,2 фоизи Андижон вилоятига, 8,2 фоизи Наманган вилоятига, 11,1 фоизи эса Фарғона вилоятига тўғри келади. Ушбу минтақада шаҳар аҳолиси 5291,1 минг киши бўлиб, урбанизация даражаси 57,6 фоизни ташкил этган (Андижон вилоятида 52,4 фоиз, Наманган вилоятида 64,7 фоиз, Фарғона вилоятида 56,7 фоиз). Водийда бир квадрат километрга 496,2 киши тўғри келган¹².

Зарафшон минтақасида 2017 йилда 6438,0 минг киши рўйхатга олинган (республика аҳолисининг 20,0 фоизи). 1991-2017 йиллар туғилиш ва табиий кўпайишнинг ўртача даражаси бўйича Тошкент минтақасидан олдинда бўлган. Ушбу минтақада аҳолининг табиий кўпайиши Фарғона водийсига нисбатан бирор пастроқ, ўлимнинг ўртача даражаси эса Жанубий ва Мирзачўл минтақасидан нисбатан пастроқ кўринишда намоён бўлган.

Аҳолиси энг кўп жойлашган (1998 йилдан буён) Самарқанд вилояти ушбу минтақа таркибидадир. Ўрганилаётган даврда туғилиш ва табиий кўпайишнинг ўртача даражаси бўйича тўртинчи ўринда кузатилиб, аҳолиси тез ўсиб бораётган худуд ҳисобланади¹³. Албатта, бунга сабаб ҳудуднинг ўртача ўлим кўрсаткичига эгалигидир. Аҳоли зичлиги бўйича Андижон, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларидан кейинги ўринни эгаллаган (217,8 киши). Аҳолининг қишлоқ жойларда тез қўпайиб бораётгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

¹⁰Численность населения Узбекистана. Статистический сборник. –Ташкент, 2007. –С.189.

¹¹Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси. –Ташкент: Университет, 1997. –Б.146.

¹²Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. – Ташкент, 2017. – Б. 35-36.

¹³Естественное движение населения Республики Узбекистан. Статистический сборник. Госкомстат Узбекистана. –Ташкент, 2006. –С.95.

Самарқанд вилоятида 3651,7 минг киши, Бухоро вилоятида 1843,5 минг киши, Навоий вилоятида 942,8 минг киши (Самарқанд вилоятида республика аҳолисини 11,4 фоизи, Бухоро вилоятида 5,8 фоизи, Навоий вилоятида 2,9 фоизи) яшаган. Минтақанинг жами аҳолисинг 6438,0 минг киши, шундан 2525,7 минг киши шаҳар аҳолиси, урбанизация даражаси 39,2 фоиз бўлиб, республикада ўртача кўрсаткичдан паст худуд ҳисобланган. Шаҳар аҳолиси Самарқанд вилоятида 37,6 фоизни, Бухоро вилоятида 37,5 фоизни, Навоий вилоятида 48,9 фоизни ташкил этган¹⁴.

Мустақиллик йилларида республика демографик вазиятидаги ўзгаришлар Бухоро вилоятида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Яъни, аҳоли сонининг ўсиш суръати кейинги йилларда пасайиши кузатилади. Вилоятда 2017 йилда 1843,5 минг киши яшаган¹⁵. Аҳолининг ўртача табиий кўпайиш даражаси йилдан йилга пасайиб бориши натижасида ўрганилаётган даврда ўртача табиий кўпайиш 16,5 промиллега тенг бўлган, бу даражаси Намангандан 2,5 промиллека, Андижон вилоятидан 1,8 промилле ва Фарғона вилоятларидан 0,9 промиллека кам демакдир. Буни туғилиш даражасининг кескин камайганлиги ва ташқи миграция билан изоҳлаш мумкин¹⁶.

Бухоро вилояти туғилиш ва аҳолининг кўпайишининг паст даражаси бўйича республика худудлари ичида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларидан кейинги ўринда эътироф этилади. Айни пайтда ўлим даражаси бўйича ҳам қуи вилоятлар қаторида бўлиб, кузатилаётган даврнинг охирги йилларида ўлим даражаси 4,4 промиллега тенг бўлди.

Навоий вилояти аҳолиси 2017 йил ҳолатига 942,8 минг кишига тенг бўлгани ҳолда, республика ва минтақада аҳолиси кам худудлардан бири ҳисобланади. Республика бўйича биргина Сирдарё вилояти аҳолисидан 137,3 минг кишига кўп, холос. Республика аҳолисининг 2,9 фоизини ўз ичига олади. Ўрганилаётган даврда Навоий вилоятида туғилиш даражасининг камайиши

¹⁴ Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. –Тошкент, 2017. – Б. 17.

¹⁵ Ўша манба.- Б. 35-37.

¹⁶ Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2017. – Б. 22.

кузатилади. Туғилиш ва табиий ўсиш суръатлари республикага нисбатан сезиларли паст. Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятларига таққосланса деярли 2,7-3,8 промиллега кам эканлиги аён бўлади.

Қуйи Амударё минтақаси 1991-2017 йиллар орасидаги туғилиш ва табиий кўпайишнинг ўртacha даражаси (Тошкент ва Мирзачўл минтақасидан кейин) ва ўлимнинг ўртacha кўрсаткичининг юқорилиги (Тошкент минтақасидан кейин) билан ажралиб турган. Бу ҳолат ушбу ҳудудда болалар ўлимининг нисбатан кўплиги билан изоҳланади. Аҳолиси 3594,2 минг кишига teng бўлиб, республика аҳолисининг 11,2 фоизни ташкил этган¹⁷. Ушбу минтақани Фарғона водийси билан солиширганда табиий кўпайишнинг ўртacha даражаси бўйича 0,3 промиллега, ўлимнинг ўртacha даражаси бўйича 0,4 промиллега юқори бўлган. Аҳолининг зичлиги кам (20,8 киши) бўлган ҳудуд ҳисобланган¹⁸.

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси 1817,5 минг кишига teng. Ўзбекистон Республикасининг юқори маъмурий ҳудудий тузилмалари орасида урбанизация даражаси бўйича нисбатан юқори тоифадаги минтақа ҳисобланади. Шаҳарларда 894,7 минг (49,2 фоиз), қишлоқларда 922,8 минг аҳоли яшаган¹⁹.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли зичлиги ўта паст, атиги 10,8 киши тўғри келади. Хоразм вилоятида эса аксинча, аҳоли зичлиги юқори, 288,7 кишини ташкил этади²⁰. Минтақадаги демографик ўзгаришларнинг асосий сабаблари туғилишнинг камайиши билан бирга, аҳолининг ижтимоий-иктисодий ва экологик яшаш шароитига ҳам боғлиқ бўлди²¹.

Қуйи Амударё минтақасининг урбанистик таркиби ҳам ўзига хос. Ушбу минтақадаги Хоразм вилоятида республика аҳолисининг 5,5 фоизи, яъни 1776,7 минг киши истиқомат қилган. Шаҳар аҳолиси 572,5 минг кишини

¹⁷. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2017. – Б. 17.

¹⁸Ўша манба. – Б. 17.

¹⁹Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. – Тошкент, 2017. – Б. 18.

²⁰Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2017.–Б.19.

²¹Розимова Ё. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида. 1991-2007 йй). Тарих. фан. ном. дисс. ... автореф. –Тошкент, 2010. –Б.23.

ташкил этса, қишлоқ аҳолиси эса 1204,2 минг кишидан иборат бўлиб, республика бўйича урбанизация даражаси паст худудлар таркибидадир. Аҳоли зичлиги ҳар квадрат километрга 288,7 кишидан тўғри келган ва Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидан кейинги ўринда туради.

Сирдарё ва Жиззах вилоятларини ўз ичига олган Мирзачўл минтақасида 2104,1 минг киши жойлашган бўлиб, республика аҳолисининг 6,5 фоизига тенг бўлган. Шаҳар аҳолиси 957,7 минг киши бўлиб, урбанизация даражаси (45,5 фоиз) республика даражасидан паст бўлган²².

Сирдарё вилоятида 803,1 минг аҳоли яшаган, бу республика аҳолисининг 2,5 фоизи бўлиб, республикада аҳоли салмоғи энг кам худуд ҳисобланган. Аҳолининг туғилиш коэффициенти 22,1 промилле, табиий кўпайиш коэффициенти 17,1 промиллега тенг бўлган. Туғилиш, табиий кўпайиш ва ўлимнинг ўртacha даражаси бўйича ўрта тоифадаги ҳудуд сифатида эътироф этилган. Шуни айтиб ўтиш керакки, мустақилликнинг дастлабки йилларида ушбу ҳудуд ўлим кўрсаткичидан тўртинчи ўринда эди²³.

Жанубий минтақада аҳоли сони 5551,1 минг кишига тенг бўлиб, Сурхондарё вилоятида 2462,3 минг киши, Қашқадарё вилоятида 3088,8 минг киши истиқомат қилган. Ушбу минтақада республика аҳолисининг 17,3 фоизи яшаган. Ҳудудда шаҳар аҳолиси 2203,9 минг киши, қишлоқ аҳолиси 3347,4 минг киши бўлиб, республикада урбанизация даражаси нисбатан паст кўрсаткичга эга минтақа ҳисобланган.

1991-2017 йиллар аҳоли кўпайиши республика ҳудудларига нисбатан энг юқори даража кузатилиб, бу қишлоқ аҳолисининг табиий кўпайиш кўрсаткичини юқорилиги билан изоҳланади. Масалан, Жанубий минтақада туғилишнинг ўртacha даражаси (биринчи) юқори ва ўлимнинг ўртacha даражаси (охирги ўринда) нисбатан паст бўлганлиги учун республика бўйича табиий кўпайишнинг энг юқори даражасига эришган.

²²Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. –Тошкент, 2017. – Б. 18.

²³Естественное движение населения Республики Узбекистан. Статистический сборник. Госкомстат Узбекистана. –Ташкент, 2006. –С.95.

Сурхондарё вилояти юқорида айтиб ўтилганидек, туғилиш ва табиий кўпайиш даражаси билан республикада энг юқори даражасига эга бўлган. Қашқадарё вилояти эса республикада иккинчи ўринга тўғри келади. Урбанизация даражаси ўрганилганда Қашқадарё (42,9 фоиз) ва Сурхондарё (35,6 фоиз) вилоятларида республикада энг паст кўрсаткич қузатилади, яъни қишлоқ аҳолисининг салмоғи бўйича Сурхондарё вилояти республикада Хоразм вилоятидан кейинги етакчи ҳудуддир.

Хулоса шуки, туғилиш ва табиий кўпайиш юқори бўлган ҳудудлар Жанубий, Кўйи Амударё ва Мирзачўл минтақалари ҳисобланади. Кузатилаётган даврда республикада аҳолининг табиий кўпайиш даражаси таъсир этувчи омиллар натижасида ўзгариб борган. Табиий кўпайиш 1991 йилда энг юқори кўрсаткичга эга бўлган ва қарийб 600 минг кишини ташкил қилган²⁴. Юқоридаги ҳолат республиканинг шаҳар ва қишлоқларига ҳам таалукли бўлган ва кейинги йилларда аста-секин пасайиб борган²⁵.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. –Тошкент: Университет, 1997. –Б.132.
2. Естественное движение населения Республики Узбекистан. Статистический сборник. Госкомстат Узбекистана. –Ташкент, 2006.
3. Розимова Ё. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида. 1991-2007 йй). Тарих. фан. ном. дисс. ... автореф. –Тошкент, 2010.
4. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. – Тошкент, 2017. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2017.
5. Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. – Тошкент, 2017.
6. Численность населения Узбекистана. Статистический сборник. – Ташкент, 2007.

²⁴Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. – Ташкент: Университет, 2006. –Б.13.

²⁵Естественное движение населения Республики Узбекистан. Стат. сбор. –Ташкент, 2006. –С.95.